



KONFERENSIYA

**“ZAMONAVIY TA’LIM TIZIMINI
RIVOJLANTIRISH VA UNGA QARATILGAN
KREATIV G’OYALAR,
TAKLIFLAR VA YECHIMLAR”**

@bestpublication |     | Street: Alisher Navoiy

FARG’ONA 2022



«BEST PUBLICATION»

Ilm-ma’rifat markazi

“ZAMONAVIY TA’LIM TIZIMINI RIVOJLANTIRISH VA UNGA
QARATILGAN KREATIV G’OYALAR, TAKLIFLAR VA YECHIMLAR”
MAVZUSIDAGI 33-SONLI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ON-LINE
KONFERENSIYASI
MATERIALLARI TO‘PLAMI
15-MART , 2022-YIL

33-SON

“DEVELOPMENT OF A MODERN EDUCATION SYSTEM AND CREATIVE
IDEAS FOR IT, REPUBLICAN SCIENTIFIC-PRACTICAL ON-LINE
CONFERENCE ON "SUGGESTIONS AND SOLUTIONS"

15-MARCH 2022

PART-33



INDEX COPERNICUS
INTERNATIONAL



MUNDARIJA / TABLE OF CONTENTS / СОДЕРЖАНИЕ

SO‘Z BOSHI

Anvarov Elyorbek Muzaffarbek o‘g‘li <i>HIKMATNAVISLIKGA OID DURDONA ASAR</i>	7
Suvanov Boboqul Qo‘shshayevich <i>ARFMETIK PROGRESSIYA VA UNING MISOLLARGA TADBIQI</i>	9
Begimqulov Mansurbek <i>ASOSIY KAPITAL VA INVESTITSİYALAR DINAMIKASINING STATISTIK TAHLILI</i>	12
Boykobilova Roxat Tashpulatovna <i>BOSHLANG‘CH SINFDA INTEGRATSIYALASHGAN TA‘LIMDAN FOYDALANISH.</i>	14
Egamberdiyeva Sayyora Rahmatovna <i>MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNI SHAXSGA YO‘NALTIRISHDA QO‘LLANILADIGAN METODLAR</i>	16
Rajabova Mahfuza Obidovna <i>IJTIMOIIY-GUMANITAR FANLARNING DOLZARB MASALALARI: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR</i>	18
Saliyeva Komila <i>MUHAMMAD RIZO OG‘HIYNING TARIXIY ASARLARI</i>	22
Anorova Dilrabo Shavkatovna <i>YOZMA NUTQ MALAKASINI OSHIRISHDA INTERAKTIV O‘YINLARNING O‘RNI</i>	26
Mamanova Madina Ikromovna <i>MOVAROUNNAHR DIYORIGA TAFSIR ILMINING KIRIB KELISHI</i>	28
Davletova Muborak Ro‘zimboyevna <i>FANLARNI PAST O‘ZLASHTIRUVCHI O‘QUVCHILAR BILAN ISHLASH.</i>	30
Boboyev Diyor Shomurotovich Mahkamov Odiljon <i>MUNTAZAM HARAKATLANUVCHI KONTREYLER TASHISH TIZIMINI TASHKIL QILISH</i>	32
Naribayeva Charos Abdusadiqovna <i>O‘QISH DARSLARIDA AQLIY TARBIYANI SHAKLLANTIRISH TEXNOLOGIYASI.</i>	35
Rahmonova Diloramxon Ozodovna <i>TARIX DARSLARIDA O‘QUVCHILARNI MUSTAQIL FIKRLARSHGA O‘RGATISH</i>	38
Salimov Jozib Salomovich <i>KARL GUSTAV YUNGNING SHAXS TIPOLOGIYASI ILMIY-PSIXOLOGIK TAHLILI</i>	41
Salimova Marjona Salomovna <i>JAMIYATNING ZAIF QATLAMIDA UCHRAYDIGAN RUHIY MUAMMOLAR VA YECHIMLAR</i>	45
Qodirova Feruza Mamurovna <i>RUS TILINI O‘RGATISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNING O‘RNI</i>	47
Худойназарова Г.А Муродова Ш.И. <i>МАКТАБ КИМЁ ФАНИДАН МАСАЛАЛАР ЕЧИШДА ПИРАМИДА УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ</i>	49
Shukurov M.A Qodirov J.Sh	52

МАКТАБ КИМЁ ФАНИДАН МАСАЛАЛАР ЕЧИШДА ПИРАМИДА УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ


Худойназарова Г.А., Муродова Ш.И

Замонавий дарсга қўйиладиган талаб асосан жамиятимизнинг эҳтиёжларидан келиб чиқади. Жамиятнинг ривожини ҳаётнинг барча жабҳаларига шу жумладан, таълим мазмунига, дарс тузилишига қолаверса, инсоннинг кундалик фаолиятига албатта, ўз таъсирини ўтказиши табиийдир [1-3].

Ўқувчиларга билим беришни мақсад қилиб қўйган анъанавий дарсларни мазмунан ҳамда шаклан ўзгартириш зарурати пайдо бўлди. Инновацион таълим дарсларнинг асосий мақсади ўқувчиларнинг мустақил билим олиш механизмига асосланганлигидадир [4,7]. Инновацион таълимда танланган дарс мавзуси бўйича ўқувчи ўз фикрини баён этади, дарс босқичлари бўлмайди, аниқ бир таълимий метод ёки усул ҳукмронлик қилмайди, бунда ўқувчи шахси биринчи ўринда туради, биргина дарслик эмас, балки қўшимча материалларидан фойдаланилади [5-8]. Бундай дарслардан фойдаланилганда ўқувчиларнинг дарс мавзусини ўзлаштириб олиш имкониятини кейгайтиради. Биз қуйида ноанъанавий дарслардан “Пирамида” усулидан фойдаланиш услубиётини ҳавола этамиз.

Умумтаълим ўрта мактабларда 7 синф кимё фанидан “Кислород” ва “Водород” бобларининг назарий билимларини ўтиб бўлгач, шу бобга доир масалалар ечилади. Бунда “Пирамида” усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Пирамида 5 устундан иборат бўлиб, ҳар бир устун бўлақларга ажратилган, яъни I устун 5 та; II устун 4 та; III устун 3 та ва IV устун 2 та, V устун 1 та. Жами бўлиб 15 та блок ҳосил бўлади ва ҳар бир устунлар бўйича ўқувчиларга масалалар берилади. Бу усул фан бўйича бобларни ўтгач қўлланса мақсадга мувофиқ бўлади. Пирамиданинг I устундаги ҳар бир масалага ўқувчилар томонидан берилган жавобларига ўқитувчи томонидан баҳолаб борилади. Пирамида устунлар бўйича пастдан юқорига кўтарилган сари масалаларнинг мураккаблиги ошади.



Бу усул қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Ҳар бир устун бўйича масалалар блоки тузилади ва улар рақамланган ҳолда конвертларга солинади. Ҳар бир босқични бошлашда ўқувчилар келиб, I устун учун масалалар тўпламидан масала ёзилган рақамни олади. Рақамлар 1 дан 5 гача бўлади. Рақам танлангач, ўқитувчи шу рақамга мос келадиган масалани ўқийди ва ечиш учун

вақт беради. Бу масалага қайси ўқувчи тез ечим топса, ўша ўқувчи баҳоланади, шу тариқа 4 та масала ечилади. Бу усул 5 та устундаги барча масалаларига жавоб берилгач ҳар бир ўқувчилар олган баҳолар ҳисобланади.

Пирамида масалалари

1-устун бўйича масалалар

1. 16 г кислород нормал шароитда қандай ҳажми эгаллайди?
2. 8 г водород неча молга тенг
3. 5 г водород кислородда ёндирилганда неча грамм H_2O ҳосил бўлади?
4. 18 г углерод тўлиқ ёниши учун неча литр кислород керак бўлади?
5. 1 молдан олинган қуйидаги моддалардан қайси бирининг ёниши учун кўп кислород керак бўлади? S, P, H_2

2- устун бўйича масалалари

1. 13,6 г водород пероксид катализатор иштирокида тўлиқ парчаланганда неча грамм кислород ҳосил бўлади ва бу массадаги кислород нормал шароитда қанча ҳажми эгаллайди?
2. $10m^3$ фзот қанча ҳажм водород билан реакцияга киришади ва қанча ҳажм аммиак ҳосил бўлади?
3. Денгизларда яшовчи айрим содда ҳайвонлар скелетининг асосини ташкил этадиган модда формуласини аниқланг? Модда таркиби 47,83% стронций, 17,39% олтингугурт ва 34,78% кислород бўлади.
4. Бир элемент оксиди таркибида 50,45% кислород бор. Агар шу элементнинг нисбий атом массаси 55 га тенг бўлса, унинг валентлигини топинг.

3- устун бўйича масалалари

1. 6,2 г фосфор ёниши натижасида неча грамм, қанча моль ва неча P_2O_5 молекуласи ҳосил бўлади?
2. Таркибида 91,2% фосфор ва 8,8% водород бўлган бирикманинг водородга ва ҳавога нисбатан зичлигини топинг.
3. Табиий кислород таркибида 95% ^{16}O ; 4% ^{18}O ; 1% ^{17}O бўлса, элементнинг атом массасини топинг

4- устун бўйича масалалари

1. Калийнинг кислородли бирикмасида металлнинг масса улуши 44,8% ни ташкил этади. Шу бирикманинг энг оддий формуласини аниқланг.
2. 32 г CuO ни қайтаришга етарли бўлган водородни олиш учун неча грамм KH сувда эритилиши керак?

5- устун бўйича масалалари

1. Ҳар бир одам нафас олиши учун ҳар 3 минутда тахминан 1 г кислород сарфлайди. Синфингиздги барча ўқувчилар ва ўқитувчингиз билан биргаликда 1 соат дарс (45 минут) давомида нафас олишлари учун нормал шароитда ўлчанган қанча ҳажм кислород керак бўлади. Бу миқдор кислородни олиш учун сарфлайдиган H_2O_2 массасини ҳисобланг ва бу миқдор кислородда қанча углеродни ёндириши мумкин?

Пирамида усули оркали ўқувчиларнинг кимё фанига бўлган қизиқишини ошириш, уларнинг билим даражасини кенгайтиришга, ҳамда синф ўқувчилари

орасидан кимё фани олимпиадасига иштирок этувчи талабгор ўқувчиларни ҳам танлаб олиш имконияти яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ganiyev B.S., Kholikova G.K., Salimov F.G. Educational developments in Uzbekistan is the main root to educate perfect generation //Непрерывная система образования" Школа-университет". Инновации и перспективы. – 2019. – С. 55-58.

2. Ганиев Б. Ш. и др. Роль игровых технологий в повышение познавательного интереса учащихся к изучению химии //Современная психология и педагогика: проблемы, анализ и результаты». Сборник материалов международной научно-рецензируемой онлайн конференции. – 2020. – Т. 20. – С. 500-504.

3. Худойназарова Г.А., Хотамов А.М. Ахмедов В.Н. Янги педагогик технология усулларида фойдаланиб касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда кимё дарсларини ўтиш услубиёти // “Ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимда замонавий ўқитиш техн.иш. чиқ ва ўқув адаб. янги авлодини яратиш муаммолари” респ. илмий амалий анжуман матер. Бухоро. 2006. Б.41-42

4. Ganiyev B. Кимё фанидан лаборатория ишларини виртуаллаштириш //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – Т. 6. – №. 6.

5. Xudoynazarova G.A. Savriyeva N. Q. Kimyo darlarining samaradorligini oshirishda innovation ta’lim texnologiyalarning ahamiyati // “O’zbekistonda ilmiy – amaliy tadqiqotlarda talabalarining o’rni” mavzusidagi Respublika tarmoqli ilmiy masofaviy onlayn konfirensiya. VI qism. 2020 y. 20-may.Б.321-323

6. Xudoynazarova G.A. Jo’rayeva B.M., Xolmatov D.S., Idiqurbonov Sh.Q. Fanlararo integrallashuv // Наманган давлат университети, Илмий ахборотномаси. 2020. №5 Б.344-352

7. Худойназарова Г.А., Назаров Н.И., Авезов Ҳ.Т. Дидактик ўйинлардан фойдаланиб ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш // Узлуксиз таълим тизимида инновация: компетенциявий, креативлик ёндошув ва интеграция мавзусидаги республика илмий – амалий конференция материаллари. Пешку. 2019 й. 10-11 май. 219-221бетлар

8. Худойназарова Г.А. Умумий ўрта таълим мактабларининг 7 – синфида кимёдан тажрибавий масалаларни ечиш методикаси // Pedagogik mahorat. ilmiy-nazariy va metodik jurnal. 2017. №1 Б.184-189